

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлисининг
2 - сонли БАЁННОМАСИ

Ўтказилган сана: 2022 йил “30” март
Баённома тузилган сана: 2022 йил “30” март
Мажлис ўтказилган вақт: соат 10:00 дан 13:00 гача
Мажлис ўтказилган жой: Молия вазирлиги мажлислар зали

Иштирок этишди:

Ишметов Тимур Аминджанович	Кузатув кенгаши раиси
Исламов Бобир Фархадович	Кузатув кенгаши аъзоси
Наримов Рустам Камилович	Кузатув кенгаши аъзоси
Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўғли	Кузатув кенгаши аъзоси

Таклиф этилганлар:

О.З. Насритдинходжаев	Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосари	Молия
Х.Б. Мустафаев	Ўзбекистон Республикаси вазирлиги департамент директори	Молия
Ш.П. Алимов	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси раис ўринбосари	
Х.У. Исмоилов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси в.в.б.	
С.О. Когай	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари – харидлар бўйича директор в.в.б.	
Р.В. Раджапов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ халқаро эксперт	
А.С. Холжўраев	Ўзбекистон Республикаси вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари	Молия
А.Д. Содиқов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Молиявий иқтисодий ҳисоботлар бошқармаси бошлиғи в.в.б.	
М.А. Илхамов	“Ўзбек геология қидирув” АЖ Лойиҳа офиси раҳбари	

Кузатув кенгаши раиси Т.А. Ишметов мажлисда Кузатув кенгашининг 5 нафар аъзосидан 4 нафари иштирок этаётганлигини, кворум 80 фоизни ташкил этишини – мажлис ваколатли эканлиги (кворум мавжудлиги)ни эълон қилиб, иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Ижроия органининг 2021 йил иккинчи ярим йиллик якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

2. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил III чорак давомида жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият харидларининг 2022 йил учун режа-жадвалларини рўйхатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган Бизнес-режасини маъқуллаш.

5. Жамият операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун жалб қилинган РwС халқаро консалтинг ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.

6. Жамият бошқарув таркибини қайта кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Жамият 2021 йил иккинчи ярим йиллик якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари:

- асосий фаолиятдан олинган даромад ҳисобот даврида 467 921 109 минг сўмни ташкил қилди;

- ҳисобот давридаги харажатлар жами 445 677 839 минг сўмни ташкил қилди;

- жами даромад солиғини тўлагунга қадар фойда 26 964 045 минг сўмни ташкил қилди;

- ҳисобот даврининг соф фойдаси 22 346 559 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида умумий кредитор қарздорлик 169 323 099 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобот даврида умумий дебиторлик қарздорлик 145 479 015 минг сўмни ташкил этган.

Масала овозга қўйилди:

1. Жамият Ижроия органининг 2021 йил иккинчи ярим йиллик якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Жамият Ижроия органининг 2021 йил иккинчи ярим йилликдаги фаолияти қоникарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қабул қилади:

1. Жамият Ижроия органининг 2021 йил иккинчи ярим йиллик якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Жамият Ижроия органининг 2021 йил иккинчи ярим йилликдаги фаолияти қоникарли деб топилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 107-моддасига кўра жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади.

Жамият тафтиш комиссияси томонидан Жамият 2021 йил III чорак давомида жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулоса тақдим этилган.

Масала овозга қўйилди:

Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил III чорак якуни бўйича жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаси маълумот учун қабул қилинсин (2-илова).

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қабул қилади:

Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил III чорак якуни бўйича жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаси маълумот учун қабул қилинсин (2-илова).

Кун тартибдаги учинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси Р. Наримов ушбу масала юзасидан сўзни Жамият Бошқарув раиси ўринбосари С. Когайга берди. С. Когай ўз чиқишида Жамият харидларининг 2022 йил учун режа-жадвалларини ишлаб чиқиш лозимлигини айтиб ўтди ва мажлис қатнашчиларини харидларнинг 2022 йил учун режа-жадваллари харид қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатлари билан таништириб ўтди.

Жамият 2022 йилги бизнес–режаси кўрсаткичларини, шунингдек, тармок корхоналари томонидан лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши мақсадида иловада келтирилган товарларни харид қилиниши лозим бўлмоқда (3-илова).

Кузатув кенгаши раиси Т. Ишметов Жамият учун бугунги кунда ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерларидан харид қилинаётган товарларнинг нархларини таҳлил қилиш бўйича Жамият бошқарув органига вазифа юклатилиши ва ўрганиш натижалари бўйича Молия вазирлигига таклиф киритишни айтиб ўтди.

Кузатув кенгаши такдим этилган материалларни атрофлича ўрганиб чиқиб овозга қўйиш таклиф этилди.

Масала овозга қўйилди:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун харид қилиниши режалаштирилган товарлар режа-жадваллари тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи товарларни импорт қилишда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684–сонли қонунда белгиланган харид қилиш тартибига риоя этилиши, улардан самарали фойдаланилиши ҳамда омборхоналарда меъёридан ортиқча йиғилиб қолмаслигини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5171–сонли қарорига мувофиқ, Жамият ижроия органи харидга доир техник топшириқлар ва тендер хужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига киритиши ҳамда давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот портали ҳамда оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида жойлаштирилишини таъминласин.

4. Жамият харид қилинаётган товарларнинг нархларини таҳлил қилиш ва ўрганиш натижалари юзасидан жамият ягона акциядори - Молия вазирлигига асослантилган таклифларни киритсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”.

Кун тартибдаги учинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун харид қилиниши режалаштирилган товарлар режа-жадваллари тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи товарларни импорт қилишда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684–сонли қонунида белгиланган харид қилиш тартибига риоя этилиши, улардан самарали фойдаланилиши ҳамда омборхоналарда меъёридан ортиқча йиғилиб қолмаслигини таъминласин;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК–5171–сонли қарорига мувофиқ, Жамият ижроия органи харидга доир техник топшириқлар ва тендер ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига киритиши ҳамда давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот портали ҳамда оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида жойлаштирилишини таъминласин.

4. Жамият харид қилинаётган товарларнинг нархларини таҳлил қилиш ва ўрганиш натижалари юзасидан жамият ягона акциядори - Молия вазирлигига асослантирилган таклифларни киритсин.

Кун тартибдаги тўртинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 75–моддасига асосан жамият кузатув кенгаши ваколатига агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставига кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш киритилган. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида маъқулланиши лозим.

Жамият Уставига кўра Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш киритилган.

Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес–режаси кузатув кенгашига тақдим этилди.

Кузатув кенгаши раиси Т. Ишметов Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасида жамиятнинг 2022 йилда бажариладиган геология-қидирув ишларини буюртмачилар кесимида улушларда белгиланиши ва айниқса давлат дастури доирасида амалга ошириладиган ишлари ажратиш

ҳамда ушбу улушни келажакда камайтириш яъни шаффоф рақобат орқали бюджетдан ташқари буюртмачилар улушларни оширишни таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, кузатув кенгаши аъзоси Ў. Тўхтасинов жамиятнинг 2022 йил учун бизнес режасидаги барча миқдорий кўрсаткичларни чорак кесимида келтирилиши ва ижро органи фаолиятига ушбу чораклик кўрсаткичлар асосида баҳо берилишини айтиб ўтди.

Масала овозга қўйилди:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда кузатув кенгаши томонидан берилган қўшимча ва таклифларни инобатга олган ҳолда маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қилади:

Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда кузатув кенгаши томонидан берилган қўшимча ва таклифларни инобатга олган ҳолда маъқуллансин ҳамда тасдиқлаш учун ягона акциядорга киритилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

Жамият операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича ҳисобот кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5083–сон қарорига мувофиқ Жамиятга операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши учун “PwC” халқаро консалтинг ташкилоти жалб қилинган.

Консалтинг ташкилоти вакили А. Бойченко томонидан видео-конференция алоқаси орқали Кузатув кенгашига жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги таҳлил қилиниши натижасида олинган диагностика натижалари ва стратегик ва операцион ташаббуслар бўйича таклифлар тақдим этилди. Хусусан, тақдим этилган ҳисоботда жамиятнинг фаолият самарадорлигини ошириш, операцион моделни ишлаб чиқиш ва бирлашиш натижасида самарали синергияларни таъминлаш учун бизнесни ривожлантириш бўйича ташаббуслар ҳавола этилди. Кузатув кенгаши аъзолари тақдим этилган ҳисобот билан танишиб чиқишди ва таклиф этилган ташаббусларнинг жамият ривожланишига мос келадиган бизнес модели бўйича қўшимча йиғилиш ўтказишга келишиб олинди.

Масала овозга қўйилди:

1. PwC халқаро консалтинг ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Жамият операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиялари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳисоботда таклиф этилган ташаббусларнинг жамият ривожланишига мос келадиган бизнес модели бўйича якуний қарор кузатув кенгашининг кейинги йиғилишида қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. PwC халқаро консалтинг ташкилоти томонидан берилган якуний таклифларни тўлиқ акс эттирувчи “Йўл харитаси” Жамият бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилиб, кузатув кенгашининг кейинги йиғилишига тасдиқлаш учун киритилиши белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. PwC халқаро консалтинг ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Жамият операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиялари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳисоботда таклиф этилган ташаббусларнинг жамият ривожланишига мос келадиган бизнес модели бўйича якуний қарор кузатув кенгашининг кейинги йиғилишида қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. PwC халқаро консалтинг ташкилоти томонидан берилган таклифларни тўлиқ акс эттирувчи “Йўл харитаси” Жамият бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилиб, кузатув кенгашининг кейинги йиғилишига тасдиқлаш учун киритилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

Кузатув кенгаши аъзоси Б.Исламов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 мартдаги 02/1-1022-сонли топшириғи билан Жамият Бошқарув таркибига янги номзодларни киритиш ва уларни тегишли лавозимларга тайинлашга розилик берилганлигини маълум қилди. Шунга асосан қуйидагиларни таклиф қилди:

– Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Муратов Нуриддин Джаббарович бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этишни;

– Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига Исмаилов Хасан Усманович номзодини;

– Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5083–сон қарорига мувофиқ Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Молиявий директор (CFO) лавозимига юқори малакали ҳамда ўхшаш лойиҳаларда иш тажрибасига эга бўлган халқаро эксперт жалб этилиши лозимлигини ҳамда Жамият Уставининг 10.4–бандига кўра, Бошқарув аъзоларини тайинлаш кузатув кенгаши томонидан амалга оширилишини ҳисобга олиб, Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Молиявий директор лавозимига юқори малакали ва ўхшаш лойиҳаларда иш тажрибасига эга бўлган халқаро эксперт – Раджапов Руслан Валиевич номзодини таклиф этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 мартдаги 02/1-1022-сонли топшириғига ҳамда Жамият Уставининг

10.4-бандига кўра, Бошқарув раисини тайинлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши (ягона акциядори) томонидан амалга оширилиши инобатга олиб, Бошқарув раиси лавозимига жамиятда ташкил этилган Лойиха офиси бошлиғи лавозимида ишлаб келган, юқори малакали ва хорижий компанияларда иш тажрибасига эга бўлган Илхамов Мурод Ахтамович номзодини тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритишни таклиф этди.

Масала овозга қўйилди:

Юқорида кўрсатилган номзодларни:

– Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Муратов Нуриддин Джаббарович бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

– Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига Исмаилов Хасан Усмановични тайинлаш;

– Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Молиявий директор лавозимига юқори малакали ва ўхшаш лойиҳаларда иш тажрибасига эга бўлган халқаро эксперт – Раджапов Руслан Валиевични тайинлаш;

Бошқарув раиси лавозимига Илхамов Мурод Ахтамович номзодини тасдиқлаш учун Жамият Ягона акциядорига киритиш.

Овоз бериш натижалари:

Рози – “4 киши”, Қарши – “йўқ”, Бетараф – “йўқ”.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 мартдаги 02/1-1022-сонли топшириғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Муратов Нуриддин Джаббарович бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

3. Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига Исмаилов Хасан Усманович тайинлансин.

4. Жамият Бошқаруви раиси ўринбосари – Молиявий директор лавозимига юқори малакали ва ўхшаш лойиҳаларда иш тажрибасига эга бўлган халқаро эксперт – Раджапов Руслан Валиевич тайинлансин.

5. Бошқарув раиси лавозимига Илхамов Мурод Ахтамович номзодини тасдиқлаш учун Жамият Ягона акциядорига киритилсин.

Жамият бошқарувига Илхамов Мурод Ахтамович, Раджапов Руслан Валиевич ва Исмаилов Хасан Усманович билан меҳнат шартномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда кузатув кенгаши раиси Т. Ишметовга имзога тақдим этиш юклатилсин.

Кун тартибидаги масалалар тугади.

Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши барча аъзоларини иштирок
этганлиги учун миннатдорчилик билдириб мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Кузатув кенгаши раиси:



Т.А. Ишметов


Кузатув кенгаши аъзолари:



Б.Ф. Исламов



Р.К. Наримов



Ў.Т. Тўхтасинов